



1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

Fidoyilik —
vatanga xizmat demak!



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz https://twitter.com/zarnews_uz

**КУН
ҲИКМАТИ**

Тарбия тузатиб,
такрорлаб
бўлмайдиган
жараён. Чунки
биринчи тарбияда
олинган сабоқлар
одатга, кўникмага
айланиб улгурган
бўлади

Ноқонуний қарорга қўл қўйган ҳам, ҳужжатларни тайёрлаган ҳам бирдек жавоб беради

11 март куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг эллик тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди. Уни Кенгаш раиси, вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов бошқарди.

Сессия ишида иштирок этган Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Феруза Эшматова давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 10 сентябрдаги қарори асосида Омбудсман фаолиятини такомиллаштириш бора-сида амалга оширилаётган ишлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар ҳақида сўз юритди.

Диёр Ҳусанов Омбудсманнинг Самарқанд вилоятидаги минтақавий вакили этиб тайинлангани маълум қилинди.

Шундан сўнг депутатлар вилоят ҳокимининг жорий йил 9 мартдаги "Самарқанд вилояти ҳокимлиги бошқарув аппарати ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги ҳамда Зебинисо Раҳмоновани вилоят ҳокимининг ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимига тасдиқлаш тўғрисидаги қарорларни тасдиқладилар.

Шунингдек, бир қатор ташкилий масалалар қўрилди.

Вилоят маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш бўйича тақдироти қўриб чиқиш ва мулкдорлар билан очик муҳокамалар ўтказишга рухсат бериш, умумий майдоннинг 60 фоизида кўкалмозорлаштириш объектилари мавжуд бўлган истироҳат боғлари, парклар ва тематик ҳиёбонларга ҳамда уларни ишончли бошқарув ва ижарага олган тадбиркорларга нисбатан ушбу фаолият учун бўйича юридик шахслардан олинмаган ер солиғи ставкаларига камайтирувчи коэффицентларни қўллаш ҳақидаги масалалар юзасидан ҳам

тегишли қарорлар қабул қилинди. Жорий йилда вилоятдаги қишлоқ аҳоли пунктларида минтақавий йўллар (ички кўчалар)ни таъмирлашнинг манзилли рўйхатлари тасдиқланди.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги "2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан вилоятимизда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида жорий йилда қишлоқ аҳоли пунктларида минтақавий йўллар (ички кўчалар)ни таъмирлаш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар учун республика бюджетидан 186 миллиард 900 миллион сўм маблағ ажратилган, – деди Э.Турдимов. – Шаҳар ва туманлар ҳокимларининг, депутатларнинг таклифларига асосан чора-тадбирлар давстури ишлаб чиқилган ва туман сессияларида қўриб чиқилган.

Сессияда вилоят маъмурий суди раиси Т.Файзиев вилоят маъмурий судларининг 2021 йил давомида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиши тўғрисидаги ҳолатлар ҳақида ахборот берди.

Таъкидланишича, вилоят маъмурий судлари томонидан ўтган йили қўриб чиқилган 1148 та маъмурий ишларнинг 419 тасини ҳоким қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш билан боғлиқ тоифадаги ишлар ташкил қилган. Шундан 114 та иш бўйича ҳокимларнинг қарорлари ҳақиқий эмас, деб топилган.

– Ўтган куни Самарқанд туманидаги Қорасув массивида бўлганимда шунга ғувоҳ бўлдим, – деди ҳоким. – Эни 36 метрлик йўл ёқасида бир фуқаро дўкон курсида, ҳеч қим индамаган. Кейин иккинчиси, учинчиси қирган ва йўл торайиб кетган. Дўкон ёки бошқа қурилишлар ҳисобига 52 нафар шахс йўл четини ноқонуний тарзда эгаллаб олган. Нега бундай қилдинг, де-сангиз, "қўшим қурувди, мен ҳам қурдим", дейди. Ачинарлиси, уларга

ҳоқимият қарор чиқариб берган. Бу қайси контур эканлигини ҳоким билмаслиги мумкин, аммо кадастр, архитектор қаерга қараган? Бундай ҳолатларга йўл қўйган одам ҳам, ҳужжатларни тайёрлаган шахс ҳам бирдек жавобгар бўлиши керак.

Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи И.Исмоилов вилоят аҳолиси ва ҳудудларни сел, тошқин ва кўчки ҳодисалари хавфи билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар бўйича ҳисобот берди. Вилоятдаги дарё, канал ва сойларнинг муҳофаза зоналарига ноқонуний қурилмалар қурилишининг олдини олиш, сел сувларини ўтказувчи канал, сой ва ариқлар, коллекторларни ўз вақтида тозалаш, аҳолини хавфсиз ҳудудларга кўчириш, тоғ ва тоғолди ҳудудлардаги хавфли участкаларнинг фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан ўзлаштирилишига йўл қўймаслик масалалари белгилаб олинди.

Шунингдек, сессияда вилоят бандлик бosh бошқармаси бошлиғи Н.Сулаймоновнинг 2022 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисоботи тингланди.

Самарқанд шаҳридаги "Геофизика" оқова сувларни тозалаш ишотидада қўшимча суткасига 3 минг/метр куб оқова сувларни тозалашга мўлжалланган замонавий иншоот қуриш объектининг манзилли рўйхатини тасдиқлаш, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2021 йил 25 декабрдаги "Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун шаҳар ва туманлар кесимида иқтисодий-ижтимоий ривожланишига қараб ер солиғи ставкаларини белгилаш тўғрисида"ги қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги масалалар ҳам депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилинди.

Сессия кун тартибидagi масалалар бўйича Кенгашнинг қарорлари қабул қилинди.



САМАРҚАНДДАГИ БИРИНЧИ, РЕСПУБЛИКАДАГИ ИККИНЧИ

ҚУЁШ ФОТОЭЛЕКТР СТАНЦИЯ

Республика Энергетика вазирлиги томонидан мазкур объектга уюштирилган пресс-тур давомида лойиҳанинг аҳамияти ва уни амалга ошириш жараёнлари ҳақида маълумот берилди.

– Умумий қуввати 100 мегаваттга тенг бўлган биринчи қуёш фотоэлектр станцияси 2021 йилнинг август ойида Навоий вилоятининг Қармана туманида ишга туширилган эди, – дейди энергетика вазирлиги қайта тикланувчи энергия манбалари бошқармаси бошлиғи Абдулҳакоим Отабоев. – Навоийдаги лойиҳа Бирлашган Араб Амирикларининг "Masdar" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилган. Бу эса ушбу йўналишда илк бор Европа компанияси, яъни Франциянинг "Total EREN" компанияси билан ҳамкорликда ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мазкур лойиҳанинг пойдевори давлатимиз раҳбарининг 2018 йил октябрь ойида Францияга ташириш давомида қўйилган эди. Ушунда "Ўзбекэнерго" ва "Total EREN" компанияси ўртасида ушбу объектни қуриш ва 25 йил давомида электр энергияси сотиб олиш бўйича инвестицион келишувга эришилганди. Шу асосида Нуробод туманидан ҳудуд танланиб, 353 гектар майдонда ўтган йил май ойида станция қурилишига киришилди. Қиритилаётган 100 миллион доллар тўғривдан-тўғри инвестиция ҳисобидан шу пайтгача асосий подстанцияни қуриш ва жиҳозлаш, инфратузил-

ма яратиш, панеллар ва бошқа зарур техника, технологияларни келтириш ишлари амалга оширилди. Станцияда ўрнатилган 295 мингдан ортиқ қуёш панелларининг эллик мингдан ортиғи жойлаштирилди. Ҳозирда бу иш жадал давом эттирилмоқда.

Мутахассиснинг қайд этишича, станция ишга тушгач, йилига 260 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Содда қилиб айтганда, ушбу станция орқали 80 мингдан ортиқ хонадонни электр энергияси билан таъминлаш имконияти яратилади. Ҳозирда шунча микдордаги электр энергиясини ишлаб чиқариш учун иссиқлик электр станцияларида 75 миллион куб метр табиий газ сарфланади. Бу шунча микдорда табиий газ тежалишидан далолат беради. Тежаладиган ушбу ҳажмдаги газ билан республикадаги мавжуд барча аҳоли хонадонларини бир кун давомида табиий газ билан таъминлаш мумкин экан. Яна бир эътиборли томони шундаки, атмосферага 100 минг тонна зарарли чикиндилар чиқишининг олди олинади.

– Мазкур станция истиқболига ишончимиз жуда катта, – дейди "Total EREN" компаниясининг қурилиш бўйича директори Жорж Диаб. – Чунки биринчидан, танланган жой қуёш фотоэлектр станцияси учун жуда қулай. Табиий шарт-шароит ва имкониятлари юқори. Шу пайтгача Қозғистонда иккита шундай лойиҳани амалга оширганмиз,

лекин улар билан киёслаганда, бу ер анча мукамал. Иккинчидан, энг замонавий панел ва воситалардан фойдаланяпмиз. Қуёш панелларининг икки томони орқали ҳам электр энергияси ишлаб чиқариш мумкин. Ҳаво булут ва туманли бўлса ҳам озгина ёруғликдан электр энергияси олинади. Шунингдек, панеллар қуёш ҳаракатига қараб, ҳар 15 дақиқада ҳаракатланади. Йил давомида икки марта ювилса, кифоя. Майдонда 18 та кичик подстанция бўлади ва улар ҳам энг сўнгги русумдаги технологиялар ҳисобланади. Ишлаб чиқарилган электр энергияси бу подстанциялар орқали асосий юқори кучланишли станцияга етказиб берилади ва ундан умумий тармоққа ўтказилади.

Станциядаги барча жараёнлар замонавий технологиялар ва автоматик тизим асосида бошқарилади. Шунча катта объектни бошқариш учун 25 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилар экан.

Вилоятимиздаги биринчи қуёш фотоэлектр станциясини жорий йилнинг апрель ойига қадар фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Келгуси йилда эса Каттақўрғон туманида Бирлашган Араб Амирикларининг "Masdar" компанияси томонидан қуввати 220 мегаватт бўлган вилоятдаги иккинчи қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилади.

Ғолиб ҲАСАНОВ, Алишер ИСРОИЛОВ (сурат).

АЁЛЛАРГА ЭЪТИБОР ОШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 7 мартда "Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонни имзолади.

Унга қўра, **2022 йил 1 сентябрдан бошлаб:** бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда охириги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларга ҳар ой учун минимал истеъмол харажатлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўланади.

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, шу жумладан, сиртки ва кечки таълим шаклида ўқиётган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлаш учун **7 йил муддатга фойзсиз** таълим кредитлари берилади.

Давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг **контракт тўловлари давлат бюджетидан** тўланади.

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг тавсияларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан 150 нафардан жами 2 100 нафар ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг таълим контрактлари маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан тўланади.

Мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотга эга бўлмаган 500 нафар хотин-қизлар ҳар йили қўмида тавсияномаларига асосан давлат олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналиш-

ларига умумий қабул параметрларидан ташқари алоҳида тест синовлари натижаларига мўвофиқ тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади.

Хотин-қизларга дизайн, тўқимачилик, ахборот технологиялари, тармоқлар иқтисодиёти, маркетинг ва талаб юқори бўлган бошқа таълим йўналишлари бўйича таълим берадиган алоҳида **университет** ва унинг ҳузурида пахта-тўқимачилик ва пиллачилик кластерлари иштирокида **ҳудудий техникумлар ташкил этилади.**

Ҳар йили март ойида амалий инновацион лойиҳалар бўйича **"Оилма аёл"** танлови ўтказилади. Барча давлат органлари ва ташкилотлари, устав капиталда давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотлар ҳамда муносиват тизимидаги ташкилотлар **раҳбарларининг камида 1 нафар ўринбосари хотин-қизлар орасидан тайинланади.**

2022 йил 1 апрелдан бошлаб тадбиркорлик фаолиятини янги бошлаётган тадбиркор хотин-қизларга ажратилаётган субсидия миқдори **7 миллион сўмдан 10 миллион сўмга оширилади.**

Хотин-қизларга ўз томорқасида гул ва мева-сабзавот етиштириш учун иссиқхона қуриш, қорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни йўлга қўйиш учун **35 миллион сўмгача имтиёзли кредитлар ажратилади.**

2022 йил 1 июндан бошлаб маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари ташкил қилинади.

2022 йилда ипотека кредитлари бўйича ажратиладиган субсидияларнинг камида **40 фоизи хотин-қизларга йўналтирилади.**

2022 йил 1 апрелдан бошлаб уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган, шу жумладан, "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" ва "Темир дафтар"га киритилган, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етган

уй-жойга муҳтож хотин-қизларни ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштириш учун ижтимоий уй-жойларни "Халқпарвар" комиссиялари билан келишган ҳолда иккиламчи уй-жой бозоридан сотиб олишга рухсат берилсин;

Уй-жойга муҳтож, жумладан, ҳусусий уй-жой фондида ижара ҳуқуқи асосида истиқомат қилаётган "Аёллар дафтари"га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларга улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи, лекин кўпи билан 500 минг сўмгача бўлган қисми "Аёллар дафтари" жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

2022 йил 1 апрелдан бошлаб боқувчисини йўқотган хотин-қизлар фарзандлари давлат мактабгача таълим ташкилотларига тўланадиган ота-оналар бадалидан озод қилинади. 3 ёшгача бўлган фарзандлари учун нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилади.

Тўлиқ қувват билан ишламаётган давлат мактабгача таълим ташкилотларига **2 ёшдан 3 ёшгача** бўлган болаларни пуллик хизмат кўрсатиш шаклида қабул қилишга рухсат берилади. Алимент мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаб келаётган ва қидирув эълон қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар мажбурий ижро органларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилади, шунингдек, давлат оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш амалиёти жорий этилади.

Мажбурий ижро бюроси ҳузурида **"Алимент тўловлари"** давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилади.

2022 йилда 3 миллион нафар хотин-қизлар онкологик скринингдан ўтказилади. **"Ибратли оила"** кўкрак нишонни таъсис этилади.



Давронбек ЖУМАНИЁЗОВ, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи:

дан мақсадли тиббий кўриқлар жорий қилинди.

Режа-жадвалга асосан 4-хавф гуруҳига киритилган, мустақил равишда тиббиёт муассасаларига кела олмайдиган беморлар доимий кузатувга олинди ва улар хонадонларида даврий мақсадли скрининг текширувларидан ўтказилиб, муайян касалликлари бўйича

тор соҳа мутахассислари томонидан соғломлаштириляпти.

Ушбу фаолият натижасида ўтган йил якуни билан 640 минг 513 нафар беморнинг 121 минг 219 нафари 3-хавф гуруҳидан 2-хавф гуруҳига ўтказилди. Соғломлаштириш ишларини олиб бориш натижасида 4-хавф гуруҳига киритилган беморлар 7 минггача камайтирилди.

Бу ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида амалга оширилмоқда.

– Илгари битта патронаж ҳамширага 2 минг аҳоли тўғри келган бўлса, ҳозир 750 нафар. Олдин патронаж ҳамширасига зарур бўлса-бўлмаса, ҳар бир хонадонга кириш мажбурияти қўйилган эди, бунга эса бажариш имконсиз. Эндиликда патронаж ҳамшира соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилган ҳамда тўрт гуруҳга ажратилган аҳоли хатлови натижасига кўра иш олиб боради.

2-хавф гуруҳига киритилган 40 ёшдан ошган 904 минг нафар аҳолининг 91,2 фоизи скрининг текширувларидан ўтказилди. Янги мақсадли патронаж тизимида оммавий профилактик кўриқлар ўрнига онколог, эндокринолог, кардиолог, гинеколог ва бошқа тор соҳа мутахассислари томони-

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида иқтисодийёт тар-моқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига алпи ички маҳсулотни 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқо-ри бўлган давлатлар” қаторига кириш кўзда тутилган.

Бундай тараққиётга эришишга барча асосларимиз бор. Бизда имконият ва табиий ресурслар етарли. Фақат улардан самарали ва мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш лозим. Бунда биз Япония тажрибасидан фойдалансак, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки Япония бутунлай хонавайрон бўлиш билан бирга, қисқа вақтда дунёдаги етакчи давлатлар сафига чиқиб олган.

Хусусан, иккинчи жаҳон урушида Япония жуда катта талофат кўриб, бутунлай хо-навайрон бўлди. Чунки АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари 1945 йил 6 ва 9 август кунлари Хи-росима ва Нагасаки шаҳрига ядровий ҳужум ююштирди. Бунинг оқибатида ўша куннинг ўзида 180 минг киши портлаш қурбони бўлди. Радиация тарқалиши оқибатида ўлим ҳолати кундан-кунга ошиб борди. Беш йил ичида қурбонлар сони 200 мингга етди.

Урушдан сўнг японлар ўнглианишни киш-лоқ ҳўжалигидан бошлади. Бунда ҳукумат заминдорлардан 5 миллион 800 минг гектар ерни сотиб олиб, деҳқонларга арзонга сота бошлади. Натижада аҳоли ўзи етиштирган маҳсулотга эғалик қилди. Шу йўл билан мулкдорлар синфи шаклланди, қишлоқ ҳўжалиги соҳаси жадал ривожланиб, ўғит ишлаб чиқариш жадаллашди, ерга ишлов беришда техникага талаб ортди.

1947 йилда мамлакат парламенти янги Конституцияни қабул қилди. Ушбу ҳужжат-га кўра, Японияда конституцион монархия тузуми ўрнатилди. Император амалда реал ҳокимиятдан маҳрум этилиб, фақатгина мил-латнинг бирлик рамзи сифатида сақлаб қо-линди. Бош вазирни император тайинлаши, номзодни парламент тасдиқлаши зарурлиги белгилаб қўйилди.

1953 йилда АҚШ ва Япония ўртасида “Дўстлик, савдо ва денгиз кемалари қатнови тўғрисида”ги битим имзоланди. Мазкур ҳуж-жат иккала давлат фуқароларига бир-бири-нинг ҳудудида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи-ни берди. Натижада америкалик магнатлар кунчиқар юрт бозорига ўз сармояларини олиб кира бошлади. Япония бунинг ҳисоби-

ТАРАҚҚИЁТДО ЯПОНИЯ ТАЖРИБАСИ

га ривожланиш йўлига тушиб олди. Япониянинг юксалишида бир қатор омил-лар муҳим роль ўйнаган. **Биринчи галда** АҚШ Япониядан уруш зарарларини қоплаш учун мағлул давлатдан олинадиган тоvon пули олишни бекор қилди.

Иккинчидан, иш берувчи билан ходим ўртасида шартнома тузиладиган бўлди. Бунда иш берувчи корхона ходимини то на-фақага чиққунча иш билан таъминлаши, хо-дим эса шу йиллар мобайнида корхона учун сидкидилдан меҳнат қилиш мажбуриятини оладиган бўлди. Бу ҳолат иш берувчининг ҳам, ишловчининг ҳам бир-бирига садоқат билан хизмат қилиш руҳиятини яратишга асос бўлди.

Учинчидан, япон халқи хорижий мамла-катларнинг ютуқларини ўрганиб, ўз ҳаётига татбиқ этишга киришди. Бир қанча давлат-лар билан дўстона алоқаларни ўрнатди, ҳарбий харажатларни камайтирди. Японияда бу харажатларнинг хиссаси йиллик ижтимо-ий маҳсулот қийматининг атиги бир фоизини ташкил этарди, холос. Бундай тadbирлар бутун капитал маблағининг жуда катта қис-мини ишлаб чиқаришга йўналтиришга имкон берди.

Тўртинчидан, Японияда таълимга жуда катта аҳамият берилди. Хусусан, бошланғич синфларга токи олтинчи синфгача асосан “Ахлоқ томон йўл” дастури остида дарс ўтилди, бунда ўқувчилар асосий эътиборни ахлоқ ва кишилар билан муомалани чуқур ўрганишга қаратди. Бунинг натижасида япон халқи ўзаро мулоқотда ҳамиша бир-би-ри билан паст оҳангда, турли тамаларсиз гаплашадиган одатга эга бўлди.

Бешинчидан, японлар бой бўлиши-

га қарамасдан, хизматкорлар меҳнатидан деярли фойдаланмайди. Мактабларда ҳам ўқувчилар устозлари билан бирга ҳар кўни 25 дақиқа синфхоналарни тозалаш билан шуғулланган. Шу йўл билан болаларнинг бири қандайдир жиҳатидан устун, иккинчи-си паст эмас, балки тенглик руҳияти сингди-риб борилган.

Олтинчидан, Японияда интизом жуда кучли. Унга нисбатан маъмуриятнинг та-лабидан кўра ҳар бир ходимнинг талаби кучли. Масалан, поезднинг кечикиш ўлча-ми йилга ҳисоблаганда 7 сония. Кўриниб турибдики, Японияда вақт жуда қадрли. Шу тариқа Японияда интеллектуал салоҳиятли, билимдон, ўта маданиятли авлод шакл-ланган. Халқ мамлакатнинг том маънодаги олтин фонди сифатида баҳоланади.

Еттинчидан, саноат корхоналаридаги жиҳозлар вақти-вақти билан алмашти-риб турилади. Жумладан, барча эскирган жиҳозлар 1950 йилда яна алмаштирилди. Бу ислоҳот 1960 йилда ўрта ва майда корхона-ларга ҳам жорий этилиб, модернизация қи-линди. Японияда табиий бойликлар кам. Шу туфайли хомашё ва материалларни хориж-дан импорт қилиниб, улар қайта ишланиб, тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилинади.

Саккинчидан, Японияда иқтисоди-ётнинг ривожланишида асосий омиллардан бири қўлтармоқли соҳаларнинг вужудга ке-лиши бўлди. Буларнинг ҳаммаси капиталини тез айлантиришга олиб келиш билан бирга, тармоқларнинг ҳам кенгайиб боришига са-баб бўлди. Биргина кемаасозлик корхоналари кейинчалик машинасозлик, кимё жиҳозлари, турбиналар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Шу тариқа

ишлаб чиқаришнинг ўзида ҳам тармоқлар муттасил кенгайиб борди.

Тўққизинчидан, мамлакатда энг муҳим саноат тармоқлари бўлган атом энергия-си, оғир саноат, ракетасозлик ва бошқа соҳаларга капитал қўйиш мувофиқлашти-рилди. Кўплаб саноат корхоналари давлат ҳисобидан янги жойларга қўчирилди. Бири истеъмолчилар манфаатига мослаштирилган бўлса, яна бир йўналиши хомашё ва матери-алларга яқинлаштирилди.

Ўнинчидан, бошқа ривожланган мам-лакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилиб, улардан илғор техника ва тех-нологиялар тўғрисида лицензиялар сотиб олишдан жуда кенг фойдаланилди. Мамла-катнинг ўзида илмий-техник изланишларга жуда катта маблаг йўналтирилди.

Ўн биринчидан, чиқиндилардан ҳам самарали фойдаланилиб, бир соҳадан чиққан чиқинди бошқа соҳага йўналти-рилди. Чиқиндини қайта ишловчи кўплаб корхоналар барпо этилиб, жуда сифатли маҳсулотлар чиқариш имконияти яратилди. Бу соҳада ишлаб чиқарилган тайёр маҳсу-лотларнинг ҳам асосий қисми чет мамлакат-ларга экспорт қилинди.

Айрим олимлар таъкидлаганларидек, юқоридаги омиллар “Япония иқтисодиёти-нинг гуркираб ривожланиши учун замин яратди. 1950 йилга келиб, саноат ишлаб чиқариши урушдан олдинги даражага етди. 1951-1970 йилларда мамлакат иқтисодиё-тининг йиллик ўсиши ўртача 14,6 фоизини ташкил этди. 1960 йилга келиб, Япония саноатининг йиллик ўсиши 20 фоизга етди. Бундай ўсиш ҳали ҳеч бир давлатда куза-тилмаган эди. Бу иқтисодий ривожланиш тарихда “Япон мўъжизаси” деб номланди. Шундай қилиб, Япония ўзининг қисқагина тарихида хонавайрон ҳолатдан гуркираб ривожланган мамлакатга айланди.

Бундай муваффақият япон халқининг ва-танпарварлиги, интеллектуал салоҳиятининг юқорилиги, маънавиятининг юксаклиги эва-зига коррупция элементларининг озиғилиги, деярли йўқлиги туфайли дейиш мумкин.

Ушбу муваффақият омилларини ўзимиз-да ҳам жорий қилса бўлади. Бунга бўйруқ ва бошқа маъмурий йўллар билан эмас халқимиз ўзини юрт тақдирига дахлдор ҳис қилиб, шахсий масъулятини ошириш ҳисо-бига эришиш мумкин.

Мамаюнус ПАРДАЕВ,
СамИСИ профессори,
иқтисод фанлари доктори.
Озода ПАРДАЕВА,
ТДИУ Самарқанд филиали
кафедра мудири.

➡ Сўранг, жавоб берамиз

лим ходимлари мурожаатчининг қонуний эрини жалб қилган ҳолда масалани ижобий ҳал қилиш чораларини кўради. Агар мурожаатчи билан қо-нуний никоҳда бўлган фуқаро болага бошқа бир шахснинг оталигини белгилашга қарши бўлса, оталик унинг ўзига белгиланади. Шундан сўнг, она судга мурожаат қилиб, боланинг насл-наса-би ҳусусидаги низоини ҳал этиши мумкин.

Самарқанд шахар
2-сон ФХДЁ бўлими мудираси
Ш. НУРУЛЛАЕВА
жавоб берди.

Расмий ота, биологик ота

Болага кимнинг фамилияси берилади?

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юри-тиш тартиби тўғрисидаги Йўриқноманинг 51-бан-дида оталикни белгилаш тўғрисидаги аризага эрнинг у билан қонуний никоҳда бўлган онадан туғилган болага нисбатан оталикни белгилашга ёки боланинг туғилишини ёлғиз она аризаси асосида қайд этилишига нотариал тасдиқланган розилиги илова қилиниши ёки у ФХДЁ бўлимига келиб бунга ёзма равишда ўз розилигини бери-ши кўрсатилган. Бундай розилик ФХДЁ органи



раҳбари томонидан тасдиқланиши керак. Бундан келиб чиқадики, юқорида келтирил-ган вазиятда она биринчи навбатда ФХДЁ бўли-мига мурожаат қилиши зарур. Ўз навбатида бў-

- Танишим хорижга кетган эри билан қонуний ажрашишни кутиб ўтирмай бошқа инсон билан шаърий никоҳ асосида оила қуриб, фарзанд-ли бўлди. Бундай ҳолатда боланинг отаси қандай белги-ланади?

Ф. ҚУВОНОВА,
Нарпай тумани.



Янги ускуна қон ва унинг таркибий қисмларини янгича усулда тақсимлайди

Вилоят қон қўйиш марказига АҚШда ишлаб чиқарилган қонни компонентларга сепаратор усули билан тақсимлайдиган “Trima AcseI-81000” тиббийёт аппарати келтирилди.

Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағла-ри ҳисобидан 560,9 миллион сўмга харид қилинган ушбу замонавий ускуна ўрнатилгач, марказда тромбocyтaфepез амалиёти йўлга қўйилди.

Натижада марказда ҳар кўни ўртача 15 нафар донорда узлуксиз тромбocyтoфepез амалиёти ва муолажаси ўтказил-моқда.

О.МАНСУРОВ,
марказ бўлим бошлиғи.

Фавқулодда ҳолат қайси асосга кўра жорий этилади?

? - 2021 йил 15 декабрда “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Хўш, ҳужжатга кўра, фавқулодда ҳолат режими қай тартибда жорий этилади?

- Фавқулодда ҳолат одатда, вақтинчалик тadbир бўлиб, реал тaшқи хавф, оммавий тартибсизликлар, ички қуrolли можаролар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъмин-лашни кўзлаб жорий этилади.

Бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқларига махсус қонун билан белгиланган чеклашларга йўл қўйилади. Шунингдек, уларга қўшимча мажбуриятлар юкланиши мумкин.

Қонунга асосан республика бўйича жорий этиладиган фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш муддати 30 кундан,

унинг айрим жойларида жорий этиладиган амал қилиш муддати эса 60 кундан ошиши мумкин эмас.

Фавқулодда ҳолат Президент фармони билан жорий этилади ва ушбу фармон Олий Мажлиснинг Қонунчилик па-латаси ва Сенати қўшма ййгилишида тасдиқланиши керак. Шунингдек, агарда муддат ўтмай туриб, ушбу асос бар-тараф этилса, фавқулодда ҳолат тўлиқ ёки қисман бекор қилинади.

Фавқулодда ҳолатни жорий этиш мақсадларига эришил-маган бўлса, фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши Прези-дентнинг фармони билан яна бир муддатга узайтирилиши мумкин. Мазкур фармон ҳам парламент қўшма мажлисида тасдиқланиши керак бўлади.

Саовлга вилоят фавқулодда вазиятлар
басқармаси ўқув маркази ўқитувчилари
А. ТУРДИҚУЛОВ ва С.АДИЛОВ жавоб берди.

Жамоатчилик назорати ислоҳотлар натижадорлигини оширади

Ривожланган давлатлар тажрибаси-га қаралганда, жамиятнинг фаоллиги, фуқаролик позицияси кучлилиги ва таъсирчан жамоатчилик назорати муҳим ўрин тутганлиги намоён бўлади. Яъни, жамоатчиликнинг фаоллиги ва уларнинг назорати ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонда жамоатчилик назорати қай даражада, унинг ҳуқуқий асослари мавжудми?

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун билан жамоатчилик назоратининг субъекти ва объекти, асосий принциплари ва шакллари белгилаб қўйилган. Қонунга кўра, юртимиз фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик кенгашлари, ко-миссиялари ва бошқа жамоатчилик ташки-лий тузилмалари жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектлар ҳисобланади. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ҳам жамоатчилик назорати тadbирларини

амалга ошириб келмоқда. Хусусан, 2021 йилда Давлат дастури ва Президент ҳуж-жатлари (фармон ва қарор)нинг ҳудудлар-даги ижроси юзасидан 15 та жамоатчилик мониторинги ҳамда 4 та жамоатчилик эшитувчи амалга оширилди.

Март ойида давлат дастурида белги-ланган вазифалар ижроси бўйича, ноябрь ойида вилоят мақтабгача ва халқ таъли-ми бошқармаларида амалга оширилган ишларнинг натижалари юзасидан, хо-тин-қизлар тadbиркорлигини ривожлан-тириш ҳамда оғир турмуш шароитида яшаётган, ногиронлиги бўлган аёлларга ёрдам бериш борасидаги ишлар ҳақида жамоатчилик эшитувлари ўтказилди.

Кўчли фуқаролик жамиятига эриш-моқчи бўлсак, бу каби форматдаги эши-тувлари, жамоатчиликнинг, фуқаролар-нинг, вакиллик органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллиги-ни ва масъулятини кучайтириш керак. Жамоатчилик назорати фақатгина бир ташкилотга тегишли вазифа эмас. Биз

кенг жамоатчилик вакилларига бир майдон яратиб берамиз ва улардан ҳам фаоллик кутамиз.

Жамоатчилик эшитувларида қўрилган масалалар баъзида тезда ўз ечимини топса, баъзилари тизимли характерга эга бўлган-лиги учун маълум муддат талаб қилинади. Ўтган йилнинг июнь ойида ўтказилган жамо-атчилик эшитувида депутатлар томонидан жойлардаги учрашувларда сайловчилардан электр таъминоти масаласини яхшилаш бўйича саволлар қўлиги, хусусан, электр таъминотини яхшилаш бўйича манзилли маълумотлар жамоатчилик учун очик эмас-лиги тўғрисида эътирозлар билдирилган ва масала ечими топилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳу-дудларда маҳалла фаолларидан туман ҳокимлиги мутасаддиларигача “Жамоатчи-лик назорати тўғрисида”ги қонуннинг маз-мун-моҳиятини тўла тушунган деб бўлмай-ди. Мониторинг жараёнига жалб қилинган ишчи гуруҳини “комиссия”, уларнинг иш фаолиятини эса жамоатчилик назорати

эмас, балки “текширув” деб ўйлаш стерео-типга айланиб қолган. Бу ҳолат фуқаро-ларда, давлат хизматчиларида жамоатчи-лик назорати тўғрисида тизимли, тартибга солинган билим ва кўникма етарлича шакланмаганидан дарак беради.

Кўчли фуқаролик жамияти қуришни мақ-сад қилган жамият жамоатчилик назорати-нинг мазмун-моҳиятини тўла англаб олмоғи лозим. Амалга оширилаётган ислохотларга муносабат бериб бориш, бефарқ бўлмаслик, муҳим ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамасида фаол иштирок этиш, тақлифлар киритиш, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодиса-ларга лоқайд бўлмаслик, бир сўз билан айтганда, фаол фуқаролик позициясини намоён қилмоғи керак. Бу жараён эса амалдаги қонунчилик талаблари доирасида бўлиши мақсадга мувофиқ. Фаол фуқаро-лик позицияси жамоатчилик назоратининг бошланиши бўлади.

Элёр ҲАМРОЕВ,
“Юксалиш” УМҲ вилоят
филиали раҳбари.



TOTALIZATOR

tuzog'iga ilinayotgan avlod

“Bir soatda 100 dollar topishni istaysizmi?”, “Ko'p pul topish uchun ajoyib imkoniyat”, “Osongina, hech qanday mehnatsiz, uyda o'tirib, kuniga 1000 dollar toping”...

O'ziga ohanrabodek jalb etayotgan bunday so'zlar ijtimoiy tarmoqlarda reklamalar orqali turli kanal va gu-ruhlarga a'zo bo'lishni taklif qilib, yoshlarni totalizator o'yinlar domiga tushirib qo'ymoqda.

Keyingi yillarda sport totalizatorini o'ynash darajasi butun dunyoda oshib boryapti. Masalan, dunyoda eng ommaviy sport turi futbol hisoblanadi. Tadqiqotlarga ko'ra, 4 milliarddan ortiq odam futbol o'yinlarini tomo-sha qilar va musobaqalarni kuzatar ekan. Bu haqda fikrlashishdan avval totalizatorga mukkasidan ketib, pul yutqazgan hamda o'z joniga qasd qilishgacha borgan ikki voqeaga e'tiboringizni qaratsam.

UMRA ZIYORATIGA YIG'ILGAN PUL O'YINGA SARFLANDI

– Yoshim 22 da, avtomoykada ishlayman. To-talizatorga pul tikishni ikki yil oldin bir tanishimdan o'rganganman. Boshlanishi yomon bo'lmadi. 100 ming so'm tikib, 1 million so'mgacha yutardim. Shuning uchun o'yinga qiziqishim yanada ortdi. Ammo buning hammasi katta summa tikish uchun qiziqitirish ekanligini bilmasdim.

Bir kuni chempionlar ligasi o'yinida nomdor jamo-aga 500 dollar tikdim. Endi yutdim deganda, telefonim ishdan chiqdi va yutqazib qo'ydim. Bu texnik nosozlik bo'lsa kerak, deb yutqazgan pulni qaytarish ilinjida buvimni Umra ziyoratiga jo'natish uchun yig'ilgan pulni ham o'yinga tikdim. Afsuski, ko'proq pul tikilgach, yana yutqazdim va o'yindan chetlatildim.

QIMORNING XUMORI YOMON

Totalizatorda pul topishni kasb qilgan insonlar gijohvand modda ta'sirida bo'lgandek, o'yin domiga tushib qoladi. Ma'lumotlarga ko'ra, AQSHda so'nggi yillarda 6 milliondan ortiq odam qimor o'yinlari sabab kasal bo'lib, davolanishga muhtojligini va o'zini bosh-qara olmayotganini ma'lum qilgan.

Yaqinda paynet shoxobchasida ishlovchi yigit rahbariga tegishli pulni totalizatorda yutqazib qo'yib, o'zini pichoqlagan. Ma'lum bo'lishicha, xodim Paynet shoxobchasidagi kassadan do'kon egasiga paynet-li 6 million so'm pulni sport totalizatorida yutqazib qo'ygan. Shundan so'ng u shok holatida do'konda turgan pichoq bilan o'ziga jarohat yetkazgan va hushini yo'qotgan. O'ziga kelganda esa nima bo'lganligini tushuntirib berolmagan.

Mutaxassislarning fikriga ko'ra, internetda tavak-kalchilikka asoslangan bunday o'yinlar qurboniga ayla-nayotganlarning aksariyati “Z” (zed) avlod vakillari his-oblanadi. Bu avlod mobil telefonlar bilan ulg'ayayotgan – 1997-2015-yillar oralig'ida tug'ilganlardir. 2019-yilda ularning 97 foizi mobil telefonidan foydalanган va 78 foiz “Z” avlod vakillari ma'lumot olish va maroqli vaqt o'tkazishning asosiy vositasi sifatida smart qurilmalarni ko'rnatgan. Shuning uchun ham ular mediamakonga “sho'ng'ib” ketgan.

Xo'sh, bu avlodni axborot xurujlaridan, bukmekerlik va totalizator tipidagi qimor o'yinlardan qanday saqlash mumkin?

Ochig'i, zamonaviy o'quvchi quruq matn bilan qoniqmaydi. Ularning ishonchi va e'tiborini qozonish uchun ko'proq foto va videomateriallardan iborat vizual axborotlarni aniq va sodda yetkazish talab etiladi.

Buning uchun avvalo, barcha o'quv muassasalarida, hududlarda, mahallalarda IT markazlari faoliyatini yo'lga qo'yish hamda sohaga malakali media mutaxassislari jalb qilish kerak. Shuningdek, saytlarda reklama qilinayotgan qimor o'yinlarini cheklash hamda undan foydalanuvchilar faoliyatini qonun bilan nazorat qilish maqsadga muvofiq.

Fazliddin RO'ZIBOYEV.

“JOMBOY DON MAHSULOTLARI”

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча ҳамюртларимизни,
шу жумладан, қишлоқ хўжалиги
соҳасида меҳнат қилаётган
ҳамкорларини

Наврўзи олам

билан табриклайди.





YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGI

SAMARQAND VILOYATI BOSHQARMASI JAMOASI

азиз юртдошларимиз ва
келажагимиз пойдевори бўлмиш
шижоатли ёшларни

Наврўз

байрами билан
қутлайди.



ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Мамарасимов Эркинга (2015 йил 4 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайриқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 73-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Хазраткулов Махмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Саломов Тўйчи Джураевичга (2021 йил 24 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Хазраткулов Махмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темура кўчаси, 36-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Йўлдошев Баёнга (1992 йил 29 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносиди.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Халимова Зилола Хамидовнага (2021 йил 11 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ахмедова Фарангиз Асламовна нотариал идорасида марҳум Каримов Мунис Мустафакуловичга (2015 йил 24 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ахмедова Фарангиз Асламовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Лутфий кўчаси, 80-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Шодиёров Турсункулга (2021 йил 1 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносиди.

Булунгур туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Абдурахмонов Элёр Жамшидович нотариал идорасида марҳум Саидова Айрузига (2007 йил 19 декабрда вафот этган) тегишли

ПАХТАЧИДА ТАХРИРИЯТНИНГ РЕКЛАМА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШОХОБЧАСИ ОЧИЛДИ!

Пахтачи туманида "Зарафшон" ва "Самарқандский вестник" газеталари ўқувчилари кўп. Уларнинг талабларидан келиб чиқиб, туман маркази - Зиёвуддин шаҳарчасида ушбу газеталар учун реклама ва эълонларни қабул қилиш шохобчаси очилди. Энди пахтачиликлар "Зарафшон" ва "Самарқандский вестник" газеталари учун реклама, эълон ва билдирши (йўқолган ҳужжатлар, табриклар, миннатдорчилик хатлари каби) ларни Самарқанд шаҳрига келмасдан, мазкур шохобча вакили орқали бериши мумкин.

Манзил: Пахтачи тумани Зиёвуддин шаҳарчаси. Телефонлар: (93) 317-86-57, (97) 922-86-57.

мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Булунгур туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасида марҳум Нурматова Зулайхо Хидировнага (2020 йил 14 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Булунгур туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Булунгур тумани Мустақиллик майдони.

Булунгур туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасида марҳум Нурматова Зулайхо Хидировнага (2020 йил 14 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Булунгур туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Булунгур шаҳри, Мустақиллик майдони.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Булунгур туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабидан 1999 йилда Таирова Нигора Эгамбердиевна номига берилган О'Р-З № 171229 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунгур туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабидан 2002 йилда Сатторов (ҳозирда Турдикулова) Дилбар Эгамбердиевна номига берилган О'Р-З № 1295557 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайриқ туманидаги 67-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Кубаев Фазилдин Олим ўғли номига берилган УМ № 0520534 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайриқ туманидаги 69-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Жонхўрозова Орзул Мухтор кизи номига берилган УМ № 0520605 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайриқ туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабидан 2017 йилда Сунонов Исқандар Шералиевич номига берилган УМ № 7952762 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 42-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Саттаров Озод Анварович номига берилган О'Р-З № 0792673 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 62-ўрта мактабдан 1990 йилда Рузимуродов Каюм Саидулович номига берилган А № 153480 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Хаккулов Илхом Бахриддинович номига берилган О'Р-Ш № 0366878 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 63-умумий ўрта таълим мактабидан 2021 йилда Сафаров Қосимжон Алишер ўғли номига берилган УМ № 0988187 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд автомобил ва йўллар коллежидан 2020 йилда Зиятов Фаррух Шарофидин ўғли номига берилган рўйхат рақами 257, К № 5894753 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Бобоева (ҳозирда Мелибоева) Гулнора Саҳидиновна номига берилган О'Р-А № 1747759 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд олимпия заҳиралари коллежидан 2019 йилда Нурматов Нурмухаммад Ойбекович номига берилган ТМ № 0256016 рақамли 9 йиллик умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги «MOUNTAIN-FRUIT» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 308405328) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ТОПГАНГА МУКОФОТ!

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Самарқанд вилояти кўриқлаш бошқармасидан 2020 йилда Мухтаров Элбек Орокуловичга берилган МГ-III № 11735 рақамли хизмат гувоҳномаси Пайриқ тумани ҳудудидида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

Телефон: +99893-993-54-22, +99894-329-15-09.

Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан 2011 йил 27 январда майор Байбеков Гофур Бабаевич номига берилган 4963 рақамли пенсия гувоҳномаси йўқолган.



"Қачонлардир телевизорда Мўғулистон ҳақида ҳужжатли фильм кўргандим. Агар бу мамлакатда кучук ўлса, баланд тоғларга олиб бориб, дафн қилишар экан. Кўмишдан олдин ит эгаси унинг қулоғига кейинги ҳаётида инсон бўлиб туғилишини ният қилиб шивирлар экан..."

"ЭНСОНИНГ ҲАРОИИБ ДУНЁСИ"...

Ҳар доимгидек эрталаб дорихонада кундалик ишимни бошладим. Дорихона қисмат жой, шу билан бирга, қисматлар фošхонаси дейман мен. Чунки дорихатга қараб, беморнинг аҳволини тезда англайсан. Бу касбий сир ҳамдир. Бировнинг дардини бировга айтиш йўқ. Лекин гап бунда ҳам эмас. Гоҳида уларнинг оғриқларига шерик бўлишингга тўғри келади.

Боши оғриган, тиши оғриганлар дориларини бирин-кетин олгандан сўнг бир бемор дорилар номи билан тўлган дорихатни олиб келди. Дорихонада мендан бошқа ҳеч ким йўқлигини сўраб билгандан сўнг сўз бошлади:

- Биласизми, ўн йилдан бери бормаган шифокорим, қилмаган амалим қолмади. Фарзандсизлик умидсизликка олиб келди. Бировдан эшיתיб, бир шифокорга учраган экан, шу дориларни ёзиб берди. Сиз нима маслаҳат берасиз?..

Дорихатда ёзилган дорилар ҳақиқат-

дан ҳам сўнгги босқичда ичилиши керак бўлган дорилар эди. Мен нима дердим, дориларни бердим-у, "умид Худодан", дедим. Қайта ва қайта парҳезга амал қилишларини эслатиб ўтдим. Бундай ҳолатларда фарзанд бўлиш эҳтимоли йўқ эмас, умидсизликка тушманг, деб далда бердим...

Бу ишда ишлаш оғир. Енгил бўлиши ҳам мумкин, фақат бефарқ бўлолсанг, мен эса бундай қила олмасдим... Орадан икки соатлар ўтди чамаси, бир эркак кириб келди.

- Қон тўхтатувчи дори борми?
- Ҳа, бор. Тинчликми, нима бўлди?
- Хотинимда ички қон кетиш бўляпти, дори ичганда таъсир қилмаяпти.
- Нима бўлган, йиқилдими?
- Йўқ, ҳомиласини олдиргандик, шунга қон тўхтамаяпти, яхширогидан беринг.

Дорини беришни унутиб: "Нега ахир?.." деб юборибман.

- Ҳомила қиз экан...
- Ток ургандек титраб кетдим.
- Нима-а?! Қиз экан?..
- Ҳа, қиз экан, бу иккинчиси, ҳеч ўғил бўлмаяпти-да, ука.

Бўлди, бошқа савол беролмадим. Дори ҳам бергим келмади, лекин бурч деган нарс титраган қўлларим билан дорини узиштишга мажбур қилди. У савол бера бошлади:

- Сиз нима тавсия берасиз?...
- Илтимос, эртароқ дорини олиб чиқиб кетинг, бошқа гапим йўқ, - дедим ва салкам "шок" ҳолатида стулга ўтириб қолдим.

...Ҳаёт, ишларингга тупурдим. Сени қанчалик севсам, сендан шунчалик нафратланаман, ҳаёт!..

Шу кун ишим тугаб-тугамай, шаҳарга борадиган бўлдим. Шаҳардаги дўстим билан гаплашиш учун ёнига бордим. У кўп қаватли уйлارнинг бирида яшайди. Кечки пайт, чироқлар ёруғидан қочган қоронғулик ва борлиқни қамраб олаётган тун. Кўчада суҳбатлашиб турганимизда дўстимга турмуш ўртоғи телефон қилиб қолди:

- Дадаси, бир кучукча эшигимизни тирнаб, кирмоқчи бўляпти, нима қилай?
- Олиб кириб, овқат бер, - деди дўстим. Мен дўст танлашда адашмаганман... Кучук боласини бу кўп қаватли уйларда боқолмаслигини билиб вазиятга аралашдим:
- Хоҳласанг, менга бер, уйга олиб кетаман.

У уйига чиқиб, кучук боласини олиб тушди, озроқ ўтиб, ортидан беш ёшли қизчаси йиғлаб чикди. Қўлида печенье, уни кучук боласига тутди.

Мен олиб кетишимни айтишдан қўққдим, чунки болагимда қўйимиз туққанда қўзичоқни олиб кетган амакини ҳозирганча ёмон кўриб қолганман.

Бу кучукчани уйларида олиб қололмаслигини билган қизча менинг олиб кетишимга рози бўлди. Мен уни "Тез-тез уйимизга бориб турасан" деб овутган бўлдим. Шунда дўстим машинага кучук боласини солаётганда: "Бу ургочи кучук экан, олаверасанми?" - деди.

- Менга фарқи йўқ, - дедим...

Қоронғуликда, катта кўчада менга суйкаланаётган кучук боласининг қулоғига кейинги ҳаётида инсон бўлиб туғилишини ният қилолмаслигимдан, инсон бўлганимдан уялган қўйи уйга томон машинани ҳайдаб борардим.

...Ҳа, айтганча, кучукчанинг лақабини Энсо деб қўйдик!

Наврўз ҲАСАНОВ.



Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази вилоят филиалида 7 март - Халқаро семизликка қарши кураш кун муносабати билан тиббий кўрик ташкил этилди.

Шаҳар ва туманлардан келган 75 нафар хотин-қиз тиббий кўриқдан ўтказилган, ортиқча вазнга эга бўлиш туфайли келиб чиқадиган қандли диабет, юрак қон-томир ва бошқа кўплаб хасталиклар ҳақида маълумот берилди.

- Бугунги кунда, семизлик дунё аҳолисининг соғлиғига жиддий хавф солаётган муаммолардан бирига айланди, - дейди эндокринолог-шифокор Юлдуз Абдурозикова. - Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ер юзиде 2 миллиард киши ортиқча тана вазнига эга бўлиб, уларнинг 650 миллионида семизлик қайд этилган. Вилоятимизда ҳам 57 мингдан зиёд бемор рўйхатга олинган бўлиб, улар 3-4 хавф гуруҳининг асосий қисмини ташкил қилади. Бу касалликка қарши кураш олиб борилаётганига қарамасдан, ҳозирча тўлиқ унинг олдини олиб бўлмаяпти. Бунга албатта, кам ҳаракатлилик, мунтазам спорт билан шуғулланмаслик, нотўғри овқатланиш каби омиллар сабаб бўляпти.

Халқаро семизликка қарши курашиш ойлги доирасида филиал шифокорлари томонидан аҳоли ўртасида ортиқча вазн тўплашнинг сабаблари, семирish туфайли пайдо бўладиган касалликлар ҳақида семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилади. Шунингдек, 40 ёшдан ошган фуқаролари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш режалаштирилган.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.

Олмазорда 150 туп кўчат экилди



Паст Дарғом туманининг Олмазор маҳалласида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди туман бўлими ташаббуси билан 150 тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари экилди, маҳалладаги ариқ ва зовурлар чиқиндилардан тозаланди.

Тадбирдан сўнг ёшлар ишлари агентлигининг маҳалладаги вакили билан ҳамкорликда "Спортни сев, спорт билан яша!" шiori остида тумандаги 13-мактаб ўқувчилари,

ри, Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми ҳамда Олмазор маҳалла ёшлари футбол жамоалари ўртасида мусобақа ташкил қилинди.

Мусобақада биринчи ўринни эгаллаган Олмазор маҳалласи ёшлари эсдалик совғалар билан тақдирланди.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш ишлари тумanning барча маҳаллаларида давом этмоқда.

Вилоят "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди матбуот хизмати.

"Кўнгил тўлқинлари"

Назм илмини яхши эгаллаган шоир насрда ҳам сермахсул ижод қилиши ёки аксинча, публицист шеър ёзишда кўпчиликка "дарс" бериши мумкин. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси Маҳмаризо Абдурахмоновнинг ижоди бунга бир мисол.

Журналистик фаолият билан бир қаторда, аруннинг турли жанрларида қалам тебратаётган М.Абдурахмонов "Муҳаммад Ризо" тахаллуси остида "Кўнгил тўлқинлари" номли шеърый тўплам чиқарди. Ундаги ҳар бир мисра ижодкорнинг дил сўзлари, англаган ҳақиқату иқрорларини акс эттириб, ўқувчини мушоҳадага чаки-

ради. Хусусан, унинг "Олис йўлга чикдим..." сарлавҳали шеъри шундай сатрлар билан бошланади:



Мен сени дўст билдим, бу ҳам бир иқбол,
Бағримдан жой бердим, бор меҳримни ол,
Суюнсам, виқорли тоғим бўлиб қол,
Ҳамроҳим бўлсанг гар ниятим холис,
Олис йўлга чикдим, жудаям олис.

Тўпламдаги шеърларни ўқир экансиз, унда шоирнинг кўнгил кечинмалари йил фасллари янглиғ алмашиб борганлиги, баҳорий жўшқинлик ортидан завқли ёз, унинг кетидан ғамгин куз ва изгириш қиш келганлиги ҳамда охир-оқибат қуёш шуъалари қалин бўлутларни ёриб ўтиб, яна баҳор зафар кучганини ҳис қиласиз.

Асқар БАРОТОВ .

ОВОЗИ ЕТТИ МАҲАЛЛАНИ ТУТГАН ХҲҲҲҲ

- Ха-ха-ха-ха!
- Ҳа, бугун эрталабдан бошқача қақақляпсан?!

- Эй, қақақлаганим йўқ, қуляпман.
- Нимага?
- Эрта тонгдан зўр гап эшитдим-да. Ха-ха-ха-ха!

- Гапирсанг-чи тезроқ. Дунёда сендай эзма товук бўлмаса керак!
- Э, анави Апила чеча-да, - деб товук яна "ха-ха"лади.

Хўрознинг жаҳли чикди. Чунонам қичқирдики, овози бутун маҳаллани тўтиб кетди. Товук эса эри бўралаб сўка бошлаганда энсаси қотган аёлдай бироз жим турди-да гап бошлади:

- Бунча дунёни бошингизга кўтарасиз, хўроз ака? Шошилган жўжа мушукка ем бўлар, дейди. Сабрли бўлинг! Хуллас, Апила чеча кичикроқ бир катакдек келадиган матоҳ сотиб олибди.

Хўроз эса катта кўчада хотини айтганини қилмаётганда атрофдагилар қараб тургани учун уни уриб, обрўсизланишдан ўзини зўрга тийиб, пастки лабини тўшлаб, қўларини мушт қилиб турган одамдай товукка қараб деди:

- Кечагина эгачангнинг тарафини олаётгандинг-ку! Бизни бир ҳафтадан бери бир кунда бир ховуч ушқ билан боқаётганининг сабаби дон олишга бечораларнинг пули йўқ экан, деб.

- Сўтақўзисининг "контракт"ини тўлайман деб сигирини сотибди. Ўзларининг нонига ҳам пул топиш муаммо бўлиб турганини қўшни Улдон момага айтаётганини эшитгандим-да.

- Сўтақўзи ўқишга кирмагани яхшийдй ундан кўра. Шунинг деб сигир сотилди. Қон чиқарйлик деб олачилор дугонангни сўйишди.

- Шукур қилинг, хўроз ога, шукур қилинг! Сўтақўзи сизияям бир кўтариб кўргани эсингиздами? Озғинлигингиз учун жонингиз омон қолди.

- Сен дугонангга қараганда

семизроқсан-ку, нега сени сўйишмади?

- Ақлингиз етмайди-да? Эрининг жаҳли чикса, Апила чеча "товукмия" деб қарғиш эшитади. Аслида миямиз уларникидан яхши ишлашини билишмайди. Билишганда эди, "хўрозмия" деб қарғашармиди?

- Ҳеч қачон ундай дейишмайди. Аксинча, ҳурмат билан ўғилларига номинми қўйиб, "Хўрозжон", "Бойхўроз", деб юришини билмайсанми?

- Бу номлар тарихда қоляпти, ога!

Бу гапдан кейин хўрознинг жаҳли чиққанини сезган товук уни гапиришга қўймай, мулойимлик билан сўзида давом этди:

- Хуллас, ога, жоним омон қолсин десангиз, ё озғин хўроз ёки семиз бўлсангиз ҳам хар кунни тухум қўядиган товук бўлишингиз керак. Хўрознинг хаёлига бундан кўра ўлиб кетганим яхши, деган фикр келди-ю, бу гап эркак зотиға ярашмаслигини билиб, индамади. Аммо товукнинг ҳақоратли сўзларига жавоб қайтариш кераклиги учун шундай деб қўйди:

- Сенларга ўхшаб учраган гўнг-ни титиб, дуч келган нарсани еб кетавермайман-да!

- Бўлди, бир гапдан қолдим. Ҳозир сиз билан гап талашаверсам, Апила чечадан фарқим қолмайди.

- Хўш, чечанг қанақа матоҳ сотиб олибди? Нархи қанча экан? Ҳеч нарсаси бўлмаса, битини сотиб олибдими?

- Қарзга олибди.

- Кимнинг қўзи учиб турибди экан унга қарз бераман деб.

- Бир пайтлар бепул деб пати тўқилган оқ товукларни бериб кетган одамлар бор-ку, ўшаларнинг тақлифи билан олибди. Банк берибди қарзини.

- Ҳа, ўша бечора товукларнинг бештаси харом ўлди. Қолгани озғин бўлсаям сўйилиб, одамларга ем бўлди. Уларни тарқатган одамлар муқофотланганиям эшитганман.

Хажвия

Аммо сен айтган банкинг қарз бермайди. Пул берсаям "процент"га беради. Уни "кредит" дейди. Апила чечани эри бекорга "товукмия" демайди.

- Вай-вай-вай, билимдон-ей! Қўй кўрмаган бўлсам ҳам қий кўрганларданман, демокчимисиз?! Мен сизни ҳеч нарсадан хабари йўқ деб ўйлабман. Тўғри, кредит олган. Фақат имтиёзли кредит. 3 йилга 7 фоизлик.

- Бу оила уни қайтаришга қийналади барибир.

- Айтишларича, кичкина матоҳдан катта фойда кўраркан.

- Номини экан у матоҳнинг? Қандай қилиб катта фойда кўраркан. Эзмаланмасдан айт-чи!

- Инкубатор. 20 кунда бирданига 450 та тухумни очиб бераркан. Энди ҳисобланг, Апила чеча 350 та тухумни минг сўмдан сотиб олганда 350 минг сўм бўлади. 450 та жўжани 5 минг сўмдан сотса, 2 миллион 250 минг сўм бўлади. 3 йил ичида бемалол қўтилади.

- Ёмон эмас, хар ҳолда ҳисоб-китобни Апила чечадан яхшироқ қилдинг, аммо барибир калта-фаҳмлингига бординг. Жўжани 450 та ҳисоблаб, инкубаторга солинадиган тухумларни 100 та кам айтдинг.

- 20 кун ичида 100 та тухум ўзимизнинг катакдан чиқади-ку!

- Аҳмоқ, сенинг тухумингни инкубатор очолмайди.


- Ўзингиз аҳмоқ, замон ривожланияпти, хонаки товукларни кўпайтириш мақсадида ишлаб чиқилган техника бу.

- Ҳа, сен "одамия"сан. Тўғри, эшак қилган ишни эшак қилади. Айрим отлар тортишга қийналадиган оғир юкли катта-катта аравадарни эшаклар тортиб кетяпти. Аммо чумчуқ сўйсаям, қассоб сўйсин, деган гап юради одамлар орасида. Бу кетишда тухум қўядиган матоҳлар ҳам яратилиб сенларга иш қолмайди-ёв.

- Йўқ, ҳали бери унақа бўлмайди. Аммо (сунъий урчитиш ишлари бошлангач) ҳўқизларга иш қолмаётгандек, сизга ўхшаганлар эътибордан четда қолиб кетмасайди, деб қўрқаман, Хўроз ака!

Хўрознинг жаҳли чикди. Чунонам қичқирдики, овози етти маҳаллани тўтиб кетди...

Тўлқин СИДДИҚ.



Гарчи ўр шамоллар айланди елга,
Ирмоқлар жам бўлиб, жойланди селга,
Бир ширин туйғулар бахш этди элга,
Бу тўлғоқ – оламга қўз очар баҳор.

Осмон кўнғиртусли, булутли қурок,
Чақмоқ ўт чакса ҳам қўк ёнмас биров,
Тоқат туғашини момақалдирик,
Бу тўлғоқ – оламда туғилар баҳор.

Ишқнинг изҳоридир янги бойчечак,
Тандирга ўт қалар гўзал келинчак.
Мажнунот шоҳлари гўё беланчак,
Муборак оламда туғилди баҳор.

Сўмалак капкири урилар тошга,
Ниятдан момолар етган кўп ёшга,
Нуроний сиймолар ўхшар қуёшга,
Қирларга лоладан туғ илар баҳор.

Ижод руҳияти кезар ҳар ёнда,
Ҳаяжон тин олмас ҳаприққан жонда,
Тотувлик маскани – Ўзбекистонда
Тинчликдан завқ олиб яшнайди баҳор.
Қирларга лоладан туғ илар баҳор...

Хуршид НУРУЛЛАЕВ.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

12 МАРТ
Насим ҲОШИМОВ – (1920-2000) Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистон халқ артисти.

14 МАРТ
Барот БОЙҚОБИЛОВ – (1937-2006) Ургут туманида туғилган. Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти лауреати



МУАССИС: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 21 970 nusxada chop etildi. Buyurtima 171. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, **REKLAMA VA E'LONLAR:** (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.
Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

G'.HASANOV.

Navbatchi:

Y.MARQAYEV.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda